

## **ҚОРАБОҒИШ ВА ЧЎНГБОҒИШ ТОПОНИМЛАРИ ТАДҚИҚИ**

**Эргашев Абдуҳалим**

филология фанлари номзоди  
Андижон давлат университети

**Қорабоғиш, Чўнғбоғиш** - Андижон вилоятининг энг гўзал ва қадимий, узоқ тарихга эга бўлган обидаларга бой Марҳамат туманидаги маҳаллалардан бир ҳамда кўчанинг номи. Маҳалла аҳолисининг оғзаки гапларига қараганда маҳалланинг пайдо бўлиши ва номланиш тарихи ҳақидаги ривоят ва ҳикоялар мавжуд бўлса-да, аммо унинг номланиши, топонимнинг этимологияси борасида илмий, ишончли маълумотларга асосланган фикр ва мулоҳазалар фанда ҳали тадқиқотчилар томонидан баён қилинмаган.

Шу мақсадда, Андижон вилоят Марҳамат тумани Қорабоғиш маҳалласи ҳамда Чўнғбоғиш кўчаси (ҳозирда кўча) номининг келиб чиқиши бўйича кичик тадқиқот иши олиб боришга қарор қилдик ва илмий фикр, мулоҳазаларимиз асосида ёритмоқчимиз.

Тарихга назар ташласак, ўзбек миллати узоқ ва мураккаб тарихий жараёнларда турли халқларга мансуб бўлган қабила ҳамда уруғларнинг ўзаро аралашиб, қўшилиб кетиши натижасида шаклланганлигини кўрамиз. Халқимиз ичида туркий халқларга мансуб бўлган қорақалпоқ, уйғур, қирғиз, қозоқ, татар, турк миллат вакиллари билан бирга форс-тожик, араб, рус, лўли, мўғул, корейс каби бошқа халқ вакиллари учратишимиз мумкин. Маълумки, ўзбек халқининг миллат бўлиб уюшувида кўплаб этник гуруҳлар ўз улушини қўшган ва бу гуруҳ номлари, уларнинг маданияти, тили, халқимиз ўтмишини яратишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу этник гуруҳлар номи ва шу асосда юзага келган жой номларини тадқиқ қилишда этнотопонимлар алоҳида ўрин тутади.

1. Мавжуд илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, *Бағиш* сўзининг этимологияси Бағиш (багыш) Лось [17.58] нинг (Буғу ёки унинг бир тури) ўша даврда туркий халқлар томонидан айтилишига тўғри келади ҳамда овчилик ва чорвачилик (буғучилик) билан шуғулланган уруғ тотеми сифатида ифодаланади.

Маълумки, (номшуносликда) илк уруғчилик даврида юзага келган номланиш асосида тотемистик тасаввурлар ётган бўлиб, унга кўра маълум уруғ ва қабила аъзолари бирор ҳайвон, ўсимлик ёки предмет билан қандайдир алоқадор ҳисобланган ва бу алоқа қариндошлик деб тушунилган. Шу асосда ўша ҳайвон, ўсимлик ёки нарса муқаддаслаштирилган ва унга сиғинишган. Уруғ-қабилаларни номлашда тотемик қарашларга суяниш туркий ва мўғул

халқлари орасида юзага келган қадимий анъана ҳисобланган. Г.Н.Патанин томонидан берилган маълумотга кўра Сибирь лексемаси ҳам мўғулча *субр* – “*тоғ бўриси*” маъносини англатади [9. 126] ёки Абдулғози Баҳодирхон ўзининг “Шажарайи тарокима” асарида Ўғузхоннинг неваралари, авлоди учун тотем ҳисобланган Бургут, Укки, Қарға, Шунқор, Лочин, Хумой каби қуш номларини келтиради [3.22].

Андижон вилояти этнотопонимлари таркибида *туячи, балиқчи, такалар (такали), туялас, бўрилик, қарға, ҳакка, баҳрин, мундуз, бағиш* каби этнонимлар мавжуд бўлиб, улар ҳам тотем сифатида муқаддаслаштирилган жониворлар номини англатувчи сўз асосида юзага келган. Лекин ҳамма этнонимларни ҳам айнан тотем асосида юзага келган деб бўлмайди, чунки бу этнонимларнинг келиб чиқиши ҳали этимологик жиҳатидан тўла ўрганилганича йўқ.

*Бағиш* – (Лось// Буғу [18, 217; 23, 86] - буғулар оиласига мансуб бутоқ шохли ҳайвон) ҳайвонларнинг катта гуруҳи бўлиб, унга Шимол буғуси, Узоқ Шарқ изюбри, Сибирь марали, Бухоро буғуси (Хон буғи), Шимолий Америкадаги Виргиния буғулари ҳамда лось ва лань киради. Булар ичида энг чиройлиси шимол буғуларидир. Шимол халқлари қадим замонлардан хонаки буғуларни кўпайтириб келган, чунки улар *қўй, сигир, от* каби барча уй ҳайвонларининг ўрнини босгани ҳолда, бу ҳайвон жуда ҳам қадрли ва муқаддас ҳисобланган.

2. Афсоналарга кўра, Сибирда Енисей (Энасой) бўйида қирғиз қабиласи яшар эди... Уруғ ва қабилалар ўртасидаги ўзаро жангда кутилмаганда душман қирғиз уруғнинг барча аҳолисини қириб, яшаётган овулини вайрон қилади. Тақдир тақозосига кўра (ўрмонга кўлсават учун пўстлоқ шилгани чиққан) иккита гўдак (7-5 ёшлардаги) болалар тирик қолади... Эртасига ғалабани нишонлаётган душман болаларни ўлдиришни хоҳламайди ва Чўтир Баймоқ исмли кампир болаларни Энасой дарёсига окизиб юбормоқчи бўлганида, Шохдор она буғу томонидан болалар қутқариб олиниб, вояга етказилади... Болалар вояга етгач, турмуш қуришади, уларнинг тўнғич фарзандига она буғу шоҳида бешик олиб келади, буғу шарафига бош фарзанд исми Буғубой (Бағиш)деб аталади [24. 54]. Шу асосга кўра ҳам қадимий қирғиз уруғларида *Буғу* муқаддас ҳайвон саналган (хатто Буғубой авлодлари буғуга дуч келган жойда отдан тушиб, унга йўл беришарди. Ошиқлар сўйган қизларини сулувлиқда гўзал оқ буғуга қиёс қилишарди.) ҳамда тотемистик тасаввурлар асосида муқаддаслаштирилган.

*Бағиш* сўзининг талаффузига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу этнонимнинг аффиксация усулида юзага келганини кўриш мумкин. Маълумки, аффиксация усулида аффикслар воситасида турли сўз

туркумларига мансуб луғавий асослардан содда ясама этноним (этнотопоним) ҳосил қилинади.

Ном асоси ҳисобланган *баги* тил тараққиёти давомида *буғу* шаклига келиб қолган. Туркий тилларда унли фонемалар *o – у* (лабланган унлилар), *u – у* ва ундош фонемаларнинг *z – z* мослиги, яъни *o* унлисининг *у* га, *u* унлисининг *у* га, *z* ундошининг *z* га ўтиши ёки бунинг акси кўп кузатилади. *z, z* – жарангли портловчи, иккинчиси сирғалувчи, бири саёз тил орқа, яна бири чуқур тил орқа ундошлар. Соф туркий сўзларда анлаутда келмайди. *z* товушининг сўз охирида келиши ҳам чегараланган. *z* ундоши сўз ўртаси ва охирида кенг қўлланган. Масалан:

$A > O > U$ ; от ~ ат, сон + а ~ сана, онг + ла ~ англа, қорин + дош ~ қариндош, товук ~ тувук,

$I > U$ ; совик ~ совук ~ сувук, уриш ~ уруш каби.

$U > I$ ; ковук ~ кувук ~ кавик, учуш ~ учиш каби

$G > Q > F$ ; бағиш ~ бақиш ~ бағиш, [19.41; 15.35; 21.46; 2.12].

Маълумки, **-ш (иш)** кўшимчаси. Қадимий кўшимча бўлиб, туркий тилларда отлашган феъл шакллари ва феълдан феъл ҳосил қилишда ифодаланган. Бу морфема тарихий қўлёзмаларда **-у(-ш)//-уш, -и(-ш) // иш, уш//иш** шаклларда учрайди. Уруғ ва қабилалар номлари орасида **-ш (-иш)** билан тугаган *бағиш, бегиш, баташ // баташ, болташ, таввош, украш, часгаш* этнонимлари учрайди.

**-ш (иш)** кўшимчаси баъзи ишларда жамланган, кўплик (“собирательной множественность”) маъносини ифодалайди деб талқин қилинган ва қадимий туркий йыш (тоғ ўрмони), *йыгаш // ағач* (дарахт), *огуш* (уруғ қabila) сўзларида мана шу маъно мавжуд деб ҳисобланади [19.13-14].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида **-ш (иш)** кўшимчаси феъл ўзак-негизига кўшилган ҳолда иш ҳаракатнинг номини билдириб, замон ва шахс-сонни кўрсатмайдиган феъл шакли, яъни ҳаракат номини ҳосил қилади.

*баги // буғи* сўзи от сўз туркумига мансуб бўлгани ҳолда, **-ш (иш)** кўшимчаси жамланган, кўплик маъноларини ифода этади: *баги // буғи, баги + ш // буғи + лар* сингари. Маълумки, **-лар** кўшимчаси ўзи кўшилган сўз англатган тушунчага кўплик, миқдоран ортиклик маъноларидан ташқари жамоавийлик, уруғга мансублик маъносини ҳам беради. Масалан: қипчоқлар – қипчоқ уруғига мансуб кишилар, қирғизлар – қирғиз миллатига мансуб бўлганлар тарзида тушуниш мумкин.

3. Ном кўчишининг ономастик хусусиятига кўра *бағиш* ва *багиш* компонентли этнотопонимларнинг ўша ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан ёзиб олинган этимологиясига қарайдиган бўлсак, ҳозирда қуйидаги ҳолат юзага келган.

Маълумки, этнотопонимлар ўзбек тилидаги номлар тизимнинг энг қадимий қатламларидан бири ҳисобланади. В.А.Никонов этнотопонимларнинг пайдо бўлиши хусусида шундай фикр юритган эди: «Асосида этноним ётувчи топонимлар, агар улар ўша ҳудудда яшамайдиган кишилар томонидан берилмаса, этник келиб чиқишида умумийлик бўлган бир халқ яшовчи жойларда юзага келиши мумкин эмас. Одатда, этнонимлар аҳолининг этник мансублигини фарқ ётувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда этнотопонимга айланади [14.13].

Бундан англаш мумкинки, фақат бир уруғга мансуб кишилар яшайдиган жойда ҳеч қачон этнотопоним вужудга келмайди. Кўпинча, қабилалар ёнма-ён яшайдиган чегара ҳудудларда аҳоли таркибининг энг кўп ёки энг кам қисмини ташкил этган уруғлар номи кўп ҳолда топонимга айланади. Буни Фарғона водийси ҳудудидаги этнотопонимлар юзасидан тўпланган айрим жой номларининг этимологиясида ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан: 1. Хонобод шаҳри, Марҳамат, Асака, Избоскан, Чортоқ (Наманган вил.) туманларидаги Бағиш, Чўнгбағиш, Қорабағиш маҳаллаларида бошқа жойдан кўчиб келган, қирғиз миллатига мансуб аҳоли *Чўнгбағиш* номи остида этник жамоа сифатида бирлашган, яъни *Чўнгбағиш* сўзи орқали аввал этник ном кейинчалик, жой номи тушунилган.

2. Андижон, Пахтаобод, Олтинкўл, Шаҳрихон, Данғара, Бувайда (Фарғона вил.), Норин (Наманган вил.) туманларидаги *Чўнгбағиш* маҳалласи этимологияси эса, аксинча, биргина оиланинг *бағиш* ёки *бағиш* компонентли уруғ таркибидан кўчиб келиб, ўрнашиб қолганлигидан *Чўнгбағиш* деб номланган. Ном орқали кўришимиз мумкинки, этнос вакили (шахс ёки оила) миллат, уруғ, қабилага нисбатан бўлак вазифасини ўтайди. Бу эса синекдохага хос хусусиятни юзага келтиради.

Вақт ўтиши билан жой номлари турли ўзгаришларга учраши ва янги-янги топонимлар вужудга келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, жойга ном бўлган сўз ўша жойнинг энг муҳим хусусиятларини англамаслиги ҳам мумкин ёки барча жойлар учун умумий бўлган хусусият жой номи бўла олмаслиги мумкин, аксинча, ўша жойда яшовчи биргина уруғ вакили орқали этнос номи жой номига ўтиши мумкин. Масалан, Андижон, Пахтаобод, Олтинкўл, Шаҳрихон, Марҳамат (Қорабағиш) Данғара, Бувайда, Норин туманларидаги *Чўнгбағиш* маҳаллалари этимологиясида ҳозирда шу ҳолат кузатилади. Бундан ташқари, бу жойларда ном билан боғлиқ этимологияларда тадқиқ қилинаётган номларни этнотопоним эмас, бошқа асоссиз нарсалар билан боғланган вариантлик асосидаги халқона (ёлғон) этимологиялар юзага келган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу этноним юқоридаги сўзлар асосида бағиш сўзининг “тотем” сифатида уруғ ва жой номига кўчиши орқали юзага келган. Яъни *буғу* маъносидаги сўз аввал этноним сифатида уруғ номига кўчган, кейин уруғ номи бўлган сўз ўша қабила яшаётган жой номига ўтган. Бундан кўриниб турибдики, ном асосида *бағиш* ва бир қатор уруғларнинг қадимда қайси касб-кор билан машғул бўлганини ҳам билиб олишимиз мумкин.

Ҳар қандай этнонимнинг ўз маъноси, келиб чиқиши ҳақидаги этимологияси бор. Баъзи бир этнонимлар қадимий сўз бўлганидан маъносини тушуниш қийин. Одатда, қабилалар, йирик уруғларнинг номлари қадимий бўлади. Қирғиз уруғлари ичида *Бағиш* компоненти асосида юзага келган Чўнгбағиш, Сарибағиш, Қорабағиш, Учбағиш, Кўкбағиш уруғ номлари ҳам мавжуд.

Чўнгбағиш – этнотопоними ҳозирда Андижон вилоятининг Марҳамат, Избоскан, Андижон, Олтинкўл, Пахтаобод, Асака, Шаҳрихон туманларида ҳамда Наманган вилоятининг Чортоқ ва Норин туманлари, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларидаги аҳоли яшаш пунктларининг номи сифатида қайд қилинган.

Чўнгбағиш – этноним сифатида қирғизларнинг чап (сўл) қанот қабилалари таркибига кирувчи уруғлардан бирининг номи бўлиб, В.П.Наливкин *чўнгбағиш* уруғини *бағиш* уруғининг бир тармоғи [14.13] деб кўрсатиб ўтади. А.Н.Аристов қирғизларнинг бу икки уруғини ўзаро яқин деб ҳисоблайди [4.5; 5.351-440].

Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз яшашда, жумладан, этнотопонимларни яшашда кенг ва фаол қўлланиладиган усуллардан бири композиция усулидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қўшма сўзлар тарихан сўз бирикмаларидан ўсиб чиққан. Тил тараққиёти жараёнида сўз бирикмаси қисмларининг маъно ва грамматик жиҳатдан яхлитлик касб этиб, қисмлар орасидаги синтактик муносабатнинг йўқолиши натижасида синтактик бирликдан луғавий бирликка айланади – қўшма сўз юзага келади [26.76].

Тадқиқ қилинаётган Чўнгбағиш лексемаси *Чўнг* ва *бағиш* компонентлари асосида юзага келган бўлиб, *чўнг* // *катта*, *бағиш* // *буғу* маъноларини англатган ҳолда бағиш уруғининг катта бўлаги ёки чўнг (эна, катта она маъносида) бағиш // она буғу маъноларини англатади.

Бундан ташқари, Маҳмуд Кошгарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам “бағиш” сўзи ишлатилган ва у “бармоқ ва бошқа аъзолар бўғини”, “қамиш ва шунга ўхшаш нарсаларнинг бўғини” деган маънони ифодалаши айтилган. Асарнинг кейинги саҳифаларида “бўғим//бўғин” сўзларига нисбатан ҳам шундай таърифлар берилган. Шундан келиб чиқсак, *бағиш* компонентли Чўнгбағиш, Сарибағиш, Қорабағиш, Учбағиш, Кўкбағиш этнонимларидаги

чўнг (катта-маъносида), сари(қ), қора, кўк (қуйида этнонимларни ранглар асосида юзага келишига алоҳида тўхталинади) компонентлари уруғларнинг маълум бир бўғинлари, бўлимлари маъносида қўлланган бўлиши мумкин. Масалан: Чўнгбағиш // Катта бўғим, уруғнинг катта қисми маъноларини ифодалайди.

Сарибағиш, Қорабағиш, Кўкбағиш этнотопонимлари таркибида ранг маъносини ифодаловчи компонентлар тасодифан юзага келмаганини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Маълумки, турли ранглар ва улар ҳақидаги тотемик, мифологик, диний, бадий, фалсафий тушунчалар ўтмишда туркий халқлар ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу ҳақда тарихий манбалар, этнографик адабиётларда анчагина фикрлар мавжуд бўлиб, ранглар туркий тилларда баъзи рамзий маъноларни англатади.

Бу ҳақда К.Шониёзов шундай ёзади: «Қадимги даврларда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар номи билан атаганлар. Қора ранг шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни билдирган. Маълум бир қабила иттифоқида бўлган кишиларнинг томонларга қараб жойлашиши одат тусига кириб, вақт ўтиши билан томонларнинг номлари (ранг номлари) этноним бўлиб қолган»[25.145-146]. Демак, юқоридаги этнонимлар таркибида ранг билдирувчи сўзлар ўтмишда уруғнинг жойлашиш ўрни ёки дунё томонларини аниқлаш мақсадида қўлланилган. *Сарибағиш*, *Қорабағиш*, *Кўкбағиш* этнотопонимлари ранг билан боғлиқ маънони англатган ҳолда, *Сарибағиш* “марказда, ўртада яшаган бағишлар”, бошқа уруғлар эса марказга нисбатан олинган тарзда қуйидагича ифодаланган. *Қорабағиш* “шимолда яшаган бағишлар”, *Кўкбағиш* “шарқда яшаган бағишлар” маъноларини ифода этади.

Айни пайтда, мазкур компонентларни фақат ранг-тусни билдирувчи сўзлар дея олмаймиз, чунки уларнинг айримлари хусусият билдирувчи сўзлардир [7.83]. Масалан, *сариқ* сўзи – оқсуяк, аслзода, бойлик, мол-мулк, дабдаба маъноларини ифодалаган ҳолда бағиш уруғига тегишли асилзодалиқни ёки бой бадавлатликни билдиради.

*Қора* сўзи эса улкан, катта деган маъноларни билдириб, бу асосида юзага келган *қорабоғиш*, *қоратейит*, *қорабўйин* этнонимлари *бағиш*, *тейит*, *бўйин* уруғларининг улкан, катта бўлаклари деганидир. З.Дўсимовнинг таъкидлашича, *қора* сўзи Хоразм шеваларида этноним ва топоним таркибида кўплик маъносини англатади [8.33].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, *бағиш* лексемаси *буғулар* ёки *буғуларга* мансуб маъноларини ифодалагани ҳолда “тотем” сифатида уруғ ва жой номига

кўчган бўлиб, *чўнғбағиш* бағиш уруғининг катта бир бўлагини, *сару(қ)бағиш* бағиш уруғига тегишли асилзодаликни ёки бой бадавлатликни, *қорабағиш* ва *кўкбағиш* этнонимлари маъно жиҳатидан уруғларнинг жойлашиш ўрнини ифода этади.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдуллаев У. Ўзбек-қирғиз этномаданий алоқалари // Жамият ва бошқарув.- 2004.- № 2
2. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.- Т., 1982
3. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима. – Т., 1995.
4. Абрамзон С.М. Труды Киргизской археолого-этнографической экспедиции // Известия АН СССР. IV том.- М., 1960,
5. Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен народностей и сведения об их численности // Живая страна. Вып. III-IV.- СПб., 1896.
6. Валихонов Ч.Ч. Қирғизлар ҳақида. Қирғизлар. – Бишкек, 1999.
7. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. – Т., 1968.
8. Дўсимов З. Шимолий Хоразм топонимлари: филол. фанлари номзоди... дис. – Т., 1970.
9. Дўсимов З., Эгамов Ҳ. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977.
10. Караев Ў. Киргиз элининг тузилиши // Материалы международной конференции посвященной 1000 летию эпоса “Манас”.- Бишкек, 1996 .
11. Мўлдабоев И. Қирғизларнинг этник маданиятининг пайдо бўлиши. // Қирғизлар.- Бишкек, 1999.
12. Наливкин В.П. Краткая история кокандского ханства. – Казань, 1886.
13. Нафасов Т. Ўзбек уруғ ва қабилаларининг номланишида тамғанинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2006.- № 2
14. Никонов В.А. Топонимика в историю- географической этнограффи. – М., 1964.
15. Нурмонов А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990.
16. Отажонова А. Хоразм этнопонимлари. – Т., 1997.
17. Отакуров. С. Киргиз санжираси.- Бишкек, 1992.
18. Русско-Узбекский словарь. – Т.: Ўқитувчи, 1972.
19. Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков.- М.: Наука, 1986 .
20. Словарь иностранных слов. - М., 1964.
21. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Т., 2004.